

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА НИГОРАХОН РАВШАНОВНА

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИДА
ИСТИСНОЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Файзуллаева Нигорахон Равшановна

Ҳозирги замон халқаро шартномалар ҳуқуқида истиснолар:
Ўзбекистон Республикасининг назарияси ва амалиёти 3

Файзуллаева Нигорахон Равшановна

Оговорки в современном международном договорном праве:
теория и практика Республики Узбекистан 21

Fayzullaeva Nigorakhon Ravshanovna

Reservations in Modern international treaty law:
theory and practice of the Republic of Uzbekistan 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА НИГОРАХОН РАВШАНОВНА

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИДА
ИСТИСНОЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Yu23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидов Комил Каюмович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилов Баҳадир Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Умарахунов Иркин Мирзарасулович
юридик фанлар доктори

Етақчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tag/Yu/I.24.01 рақамли Илмий кенгашининг ____ йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69).

Диссертация автореферати _____ йил «__» _____ да тарқатилди.

(_____ йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Н.А.Нугманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Н.Тошев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон халқаро шартномалар ҳуқуқининг таянч институтларидан бири – халқаро шартномаларга нисбатан истиснолар институти ва унинг марказий таркибий қисми бўлмиш давлатларнинг истисноларни ифодалаш ҳуқуқидир. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилги Вена конвенцияси, Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги 1978 йилги Вена конвенцияси ҳамда Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йилги Вена конвенциясининг қабул қилиниши билан истиснолар институтининг прогрессив ривожини тўхтаб қолмади, зеро халқаро шартномаларга нисбатан истиснолар масаласи халқаро ҳуқуқ тизимидаги мураккаб ва айни вақтда охиригача ҳал этилмаган муаммолар сирасига киради. Ҳозирги кунда турли халқаро шартномаларга нисбатан истиснолар сони мунтазам ортиб бормоқда ва шу сабабли ҳам шаклланиб келаётган халқаро-ҳуқуқий муаммолар ўзининг алоҳида ечимини талаб этмоқда.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тизимида истиснолар институтининг илмий-назарий тадқиқи доимо халқаро ҳуқуқнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан, халқаро шартномаларга нисбатан истисноларни қўллаш ҳуқуқи масалалари, халқаро ҳуқуқ субъектларининг турли халқаро шартнома, битим ва конвенцияларга нисбатан истиснолар ёки бошқа бир томонлама баёноتلар билдириш, қабул қилиш ёки рад этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларини комплекс равишда тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро шартномалар тўғрисидаги махсус қонунлари бўлмаган кўпчилик хорижий давлатларда истисноларга оид масалалар ҳукумат қарорлари билан ҳал этилади ҳамда парламент ва ҳукуматнинг хоҳишига боғлиқ бўлади. Бу эса қатор муаммоларни келтириб чиқаради, хусусан, махсус қонун йўқлиги сабабли турли юридик кучларга эга бўлган кўплаб бир томонлама баёноتلар берилади ва шу тариқа эришилган келишувларнинг амалга ошиши шубҳа остида қолади. Бундан ташқари, айрим давлатлар икки томонлама битимларда истиснолардан фойдаланиб келмоқда, бу эса 1969 йилги Вена конвенцияси нуқтаи назаридан мумкин бўлмаган ҳолатдир.

Халқаро шартномаларга нисбатан истиснолар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида, Ўзбекистонда ҳозирги замон халқаро шартномалар ҳуқуқидаги истиснолар билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»¹ зарурлиги алоҳида қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 6.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг истиснолар баён этилган бошқа халқаро шартномаларини, шунингдек «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Қонуни (1995), «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни (2012), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги «Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартиби тўғрисида»ги 473-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг идоралараро тусдаги халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги 15-сон қарори ва қонунчиликнинг бошқа соҳавий ҳужжатлари нормаларини амалга оширишда кўмаклашади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Истисноларга оид илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро шартномаларга истиснолар масаласи XX асрнинг 60- йилларидан бошлаб илмий ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келган, фақат аср охирига келибгина бу мавзуга оид тадқиқотлар кескин қисқарган.

Мавзуга бағишланган хорижлик олимларнинг ишлари орасида Д. Боуэт, Дж. Кох, Х. Руд, Ф. Имберт, Ж. Гэмбел, Ф. Хорн, Д. Каппелер ва М. Хадженури, Л. Лизбетс, Р.Эдвардс ва Д. Грэйг каби олимларнинг асарларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин².

МДҲ мамлакатлари олимларининг асарлари орасида В.В. Колесник, В.В. Федорченко, И.И. Лукашук, О.И. Худокормова ва Д.Н. Козирев-Гаджиев, Л.Г. Гусейнов, Н.Ю. Иванова, Ю.А. Решетов, Т.А. Титов ва А.В. Жарскийнинг асарларини таъкидлаб ўтиш жоиз³.

² Қаранг: Horn F. Reservations and Interpretative Declarations to Multilateral Treaties. – Uppsala: University Press, 1986; Horn F. Reservations and Interpretative Declarations to Multilateral Treaties. – The Hague: T.M.C. Asser Instituut, Swedish Institute of International Law, Studies in International Law, 1988. – Vol. 5. – P. 111–112; Ruda J.M. Reservations to Treaties // Recueil des cours: Collected courses of The Hague Academy of International Law. 1975–III. – The Hague, 1977. – Vol. 146. – P. 190; Koh J. Reservations to Multilateral Treaties: How International Legal Doctrine reflects World vision // Harvard International Law Journal. – The Harvard, 1982. – Vol. 23. – P. 95-113; Gamble J.K. Reservations to Multilateral Treaties: A Macroscopic View of State Practice// American Journal of International Law. – Vol.74. – New York, 1980. – P. 372-394.

³ Қаранг: Колесник В.В. Оговорки к международным договорам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: Институт государства и права РАН, 2001. – 21 с.; Лукашук И.И. Оговорки к многосторонним договорам // Международное публичное и частное право. – М.: Юристъ, 2004. – № 3. – С. 3-12; Худокормова О.И. Оговорки

Ўзбекистон Республикасида ушбу мавзу борасидаги изланишлар ичида А.Х. Ахроров, К.К. Рашидов ва И.М. Умарахуновнинг ишлари алоҳида ажралиб туради.⁴

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг турли жиҳатлари, жумладан, халқаро шартномалар ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш ва тугатиш масалалари таниқли олимлар Х.Т. Одилқориев, К.З. Алимов, Г.А. Маткаримова, А.Р. Муминов, О.З. Муҳаммаджонов, Н.А. Нугманов, К.К. Рашидов, А.Р. Раҳманов, Ш.Н. Раҳманов, А.Х. Саидов, Л.А. Саидова, М.А. Тиллабоев, А.С. Турсунов ва Р.Т. Хақимов ҳамда И.А. Хамедов асарларида таҳлил ва тадқиқ этилган.

Юқорида келтирилган далиллар танланган мавзунинг ўта долзарблиги ва Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ фанида етарли ўрганилмаганидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва чет эл иштирокида Ўзбекистон Республикасида низоларни ҳал этиш» (А-2-025) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг шартномавий амалиётида истисноларни ифодалаш ва олиб ташлашга оид ҳуқуқни қўллаш механизмини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар халқаро ҳуқуқ тизимларида халқаро шартномаларнинг ўрнини кўриб чиқиш;

давлатларнинг истиснолар киритиш ҳуқуқи шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини очиб бериш;

халқаро шартномалар назарияси ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ доктринасида халқаро шартномаларга истиснолар киритиш ҳуқуқининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш;

истисноларга берилган таърифга ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш;

к международным договорам: теория и практика // Lex Russica. Научные труды МГЮА. – М.: Изд-во МГЮА, 2008. – № 1. – С. 204-209; Жарский А.В. Институт оговорок к международным договорам и его применение в практике Республики Беларусь: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск: БГУ, 2001. – 20 с.

⁴ Қаранг: Ахроров А.Х. Халқаро шартномалар ҳуқуқининг айрим назарий муаммолари // Ҳуқуқ. Право. Law. – Т., 2000. – № 3. – Б. 51-55; Ахроров А.Х. Оговорки и отсылки международного права // Международные отношения. – Т., 2001. – № 2. – С. 62-67; Рашидов К.К. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг тузилиши, бажарилиши ва бекор қилиниши: Амалий қўлланма. – Т.: ЖИДУ, 2012; Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003; Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан: вопросы теории и практики / Отв. ред. Р.Т. Хақимов. – Т.: Янги аср авлоди, 2016; Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан: теория и практика: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т.: АГиОС при Президенте Республики Узбекистан, 2003.

халқаро шартномаларга истиснолар киритиш ва бошқа бир томонлама баёноتلар билдириш ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий табиатини аниқлаш;

истисноларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ядро қуролига ва террорчиликка қарши халқаро шартномаларда қўлланишининг ўзига хосликларини Ўзбекистон Республикасининг бундай шартнома ва конвенциялардаги иштироки нуктаи назаридан аниқлаш ва очиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг халқаро шартномаларга истиснолар киритиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича амалиётини таҳлил қилиш ҳамда шу асосда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий амалиётида истиснолар киритиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича давлатлараро муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга истиснолар киритиш бўйича ҳуқуқий базаси ва қонунчилиги, шунингдек халқаро ҳуқуқ субъектлари, жумладан Ўзбекистоннинг турли халқаро шартномалар, келишувлар ва конвенцияларга истиснолар ҳамда бошқа бир томонлама баёноتلар қабул қилиш ва чеклаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларидир.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида умумилмий ва махсус тадқиқот усулларига асосланган, хусусан, мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, қиёсий-функционал, тизимли, тизимли-тузилмавий, тарихий-ҳуқуқий ҳамда таҳлил ва синтез методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидалагилардан иборат:

истисноларни қўллаш механизмини такомиллаштириш учун «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари» жумласида «кўп томонлама» иборасини «халқаро шартномалари»дан олдин қўшиш лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунининг ўзбек тилидаги нашрида «қўшимча шартлар» атамасини «истисно» атамасига ўзгартириш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонунида «Олий хўжалик суди» сўз бирикмасини матндан чиқариб ташлаш таклифи асосланган;

амалдаги халқаро шартномалар таҳлили контекстида истисноларни излаш ва тизимлаштириш механизмини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига истиснолар ва бир томонлама баёноتلар реестри (рўйхати)ни жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ҳозирги вақтда давлатлар ва халқаро ташкилотлар халқаро шартномаларга истисноларни ифодалаш ва амалга ошириш соҳасида дуч келаётган энг жиддий муаммолар ажратиб кўрсатилди ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари таклиф этилди;

халқаро шартномаларга истиснолар институтини изчил ривожлантириш ва кодификациялаш масаллари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро ҳуқуқ комиссияси фаолияти юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга истисноларни ифодалаш борасидаги ҳозирги амалиётига эътибор қаратилди ва шу асосда истисноларни шакллантириш бўйича миллий механизмни ишлаб чиқиш таклиф қилинди;

Ўзбекистон Республикаси томонидан барча халқаро шартномаларига киритилган истисноларини тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига киритилган истиснолар ва бир томонлама баёнотлар реестрини (рўйхатини) жорий этиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг тўғрилиги ва ишончлилиги унда фақат расмий, илмий ва ўқув-методик нашларда эълон қилинган, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган статистик маълумотлардан ҳамда апробациядан ўтказилиб, нашр этилган монографик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Ишнинг хулоса, таклиф ва тавсиялари апробациядан ўтган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, унда халқаро шартномаларга истиснолар киритиш ҳақидаги қоидалар билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномавий ҳуқуқ доктринаси комплекс равишда таҳлил қилинган.

Тадқиқот материалларидан ўқув жараёнида халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномалар ҳуқуқи бўйича, шунингдек олий ўқув юртлари ва илмий марказларда халқаро шартномаларга истиснолар бўйича махсус курс ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотда келтирилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда халқаро шартномалар ҳуқуқига истиснолар тўғрисидаги назарий ва амалий қоидалар дарсликлар, ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда асосий ёки ёрдамчи материал сифатида қўлланиши мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, муаллиф илгари сурган таклифлар халқаро норма ижодкорлиги жараёнида халқаро шартномаларга истиснолар ҳақидаги нормаларни такомиллаштиришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ҳақидаги амалдаги қонунчилигини такомиллаштириш учун қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг асосий натижа ва хулосалари, шунингдек, улар асосида берилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг шартномавий амалиётида давлат органлари томонидан турли халқаро шартномаларга истиснолар ва бошқа бир томонлама баёнотларни ифодалашда, бошқа давлатларнинг истисноларини халқаро шартномаларнинг амалга оширилишига

ва мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга таъсири нуқтаи назаридан баҳолашда фойдаланилиши мумкин.

Ушбу тадқиқотда чиқарилган хулосалар ва илгари сурилган амалий тавсияларни истиснолар амалиётини тартибга солиш, давлат ҳокимияти органларининг истиснолар сўраш баёноти, истисноларни қабул қилиш ва уларга қарши эътироз билдиришга ёндашувларини уйғунлаштиришда татбиқ қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий халқаро ҳуқуқда истисноларнинг назарий-амалий муаммоларини илмий тадқиқ этиш натижаларига кўра ишда:

амалдаги халқаро шартномлар таҳлили контекстида истисноларни қўллаш механизмини такомиллаштириш учун «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари» жумласида «кўп томонлама» иборасини «халқаро шартномалари»дан олдин қўшиш таклифи асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, 2018 йил 15 октябрдаги 07/46808-сон маълумотнома). Ушбу ўзгартириш 1969 йилги Вена конвенциясининг фақат кўп томонлама шартномаларга нисбатан истисноларни қўллашни назарда тутувчи талабаларининг қатъий ижросини таъминлашга хизмат қилади;

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (1995 й.) ўзбек тилидаги нашрида «истиснолар» сўзини шарҳлаш юзасидан таклиф «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасига ўзгартиришлар киритишда фойдаланилди ва норматив актнинг ўзбек тилидаги нашрида «қўшимча шартлар» сўзларини «истисно» сўзига ўзгартиришни назарда тутуди (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, 2018 йил 15 октябрдаги 07/46808-сон маълумотнома). Ушбу ўзгартиришлар кўп томонлама халқаро шартномаларга нисбатан истисноларнинг халқаро-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ қўлланиши ҳамда истисноларнинг моҳияти давлат тилида тўлиқ фойдаланишига хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасидаги суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш соҳасидаги ўзгартиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 1 ва 12-моддаларига қўшимча ва ўзгартиш киритишда ва ушбу ўзгартиришларни амалга оширишда фойдаланилди, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган моддалар матнидан «Олий хўжалик суди» сўзларини чиқариб ташлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 83-моддасининг янги таҳририда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, 2017 йил 5 июндаги 06-20-589-сон маълумотнома). Ушбу нормалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг конституциявий-ҳуқуқий мустаҳкамланишини таъминлайди;

амалдаги халқаро шартномалар таҳлили контекстида истисноларни излаш ва тизимлаштириш механизмини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига истиснолар ва бир томонлама баёноتلар реестри (рўйхати)ни жорий этиш таклифи ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, 2018 йил 15 октябрдаги 07/46808-сон маълумотнома). Бу турдаги реестр (рўйхат)нинг жорий этилиши республикамиз томонидан таклиф қилинадиган истиснолар ва истисноларга розилик ҳамда қабул қилмаслик актларини яхлит тизимга солиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий қоида ва хулосалари халқаро ва республика миқёсидаги 8 та илмий-амалий анжуманда баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертант ушбу мавзу бўйича 28 та илмий иш: 1 та монография, 7 та хорижий, 12 та республика даражасидаги ОАК рўйхатига кирувчи илмий журналда мақолалар, шунингдек 8 та конференция илмий мақола ва тезисларини (2012-2018) чоп эттирган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида (докторлик диссертацияси аннотациясида) тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига бағишланган хориждаги илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Халқаро шартномалар ҳуқуқида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида истиснолар институтининг назарий-методологик асослари ва шаклланиши**» деб номланган биринчи бобида халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимидаги назарий-амалий аҳамияти, халқаро шартномаларга истисноларнинг назарий-методологик базиси, шунингдек халқаро ҳуқуқ тизимида давлатларнинг халқаро шартномаларга истиснолар ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққий этиши ўрганилган ҳамда таҳлил этилган. Биринчи боб бўйича изланишлар асосида назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, ҳозирги дунёда миллий-ҳуқуқий тизимда нафақат умумназарий даражада, балки амалий даражада ҳам халқаро шартноманинг ўрни ва роли борасида ягона модель, бир хил ёндашув мавжуд эмас. Ушбу ҳолат, диссертантнинг фикрича, қуйидагилар оқибатида юзага келган:

биринчидан, дунё мамлакатлари халқаро ҳуқуқ манбаларига турлича муносабатда бўлган ҳар хил минтақавий халқаро ҳуқуқ доктриналарига (Лотин Америкаси, Шимолий Америка, Европа ва Осиё доктриналарига) киради;

иккинчидан, дунё мамлакатлари у ёки бу даражада турли ҳуқуқий (англо-америка, роман-герман, диний ва бошқа) тизимларга мансуб бўлиб, улар доирасида миллий-ҳуқуқий манбалар борасида ҳам катта фарқлар мавжуд.

Халқаро шартноманинг миллий-ҳуқуқий тизимдаги ўрни масаласини кўриб чиқаётганда шуни таъкидлаш лозимки, қатор давлатлар халқаро шартномани миллий ҳуқуқда кучга эга бўлган ҳуқуқ манбаи сифатида тан олмасликлари сабабли, уларда халқаро шартномани миллий-ҳуқуқий тизимига жорий этиш муаммоси умуман туғилмайди. Кўпчилик давлатларда халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги ўрни бирдек эмас ва шунга кўра миллий қонунчиликнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро шартномалар миллий қонунлардан устун ҳисобланади ва бевосита қўлланилади. Халқаро шартномада уни қўллаш учун қонун чиқарилиши талаб этилган ҳоллар бундан мустасно.

Диссертант халқаро шартномаларга истиснолар ҳақидаги қоидаларни ривожлантиришнинг квинтэссенциясини замонавий халқаро ҳуқуқ доктринаси, унинг асосий норма ва қоидалари, биринчи навбатда, давлатларнинг суверен тенглиги принципи ҳамда унинг асосида давлатларнинг мустақил ташқи сиёсат юритиш, миллий манфаатлар ва халқаро-ҳуқуқий қарашларга эга бўлиш ҳуқуқи ташкил қилади деган хулосага келади.

Халқаро шартномалар ҳуқуқида истиснолар институти халқаро ҳуқуқда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, халқаро шартномалар ҳуқуқининг ривожланиши натижасида вужудга келган. Халқаро шартномаларга истиснолар халқаро ҳамжамият эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган. Улар халқаро шартномаларнинг тезкорлигини сақлаб қолади, шартномалар тузишни анча осонлаштиради ҳамда кенг доирадаги давлатларнинг иштирокини таъминлайди.

1969, 1978 ва 1986 йиллардаги Вена конвенциялари билан мустаҳкамланган БМТ норма белгилаш амалиётининг якуни сифатида ҳозирги замон халқаро шартномалар ҳуқуқи тизимида янги институт, яъни истиснолар институти яратилди. Умум эътироф этгани ушбу ҳодиса илмий ва амалий аҳамиятга эгаллиги шубҳасиз.

Диссертантнинг фикрича, «йўл қўйиш» ва «қарама-қарши қўйиш» мактабларининг ёндашувларидаги мавжуд фарқлар бундан кейин ҳам сақланиб қолади, чунки «Вена режими»да давлатларнинг истиснолар киритиш ҳуқуқи кенг талқин этилади. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, минтақавий даражада, жумладан, Европада бу масала Европа ҳужжатларига нисбатан

қисман ҳал этилган ва у Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қўллайдиган «Страсбург ёндашуви»да ўз ифодасини топган.

Халқаро шартномаларга истиснолар киритиш масаласи борасидаги ҳукмрон нуқтаи назар – уларга халқаро шартномалар ҳуқуқи институтларидан бири сифатида қарашдир. 1969 йилда қабул қилинган Халқаро шартномалар ҳуқуқи ҳақидаги Вена конвенциясида «истисно» тушунчаси айнан шу маънода мустаҳкамланган.

Диссертациянинг «Халқаро шартномаларга истиснолар ва бир томонлама баёнотларнинг мазмуни ва амалга ошиш жараёни» номли иккинчи бобида ушбу таърифнинг мазмун-моҳияти, халқаро шартномаларга истисноларни ифодалашнинг белги ва талаблари, давлатларнинг халқаро шартномалардаги кенг иштирокни таъминлаш ишида истисноларнинг ўрни ўрганилган, шунингдек, халқаро шартномаларга истиснолар ва бир томонлама баёнотлар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Диссертация иккинчи бобининг қоидалари асосида назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқда халқаро шартномаларга истисноларни кўриб чиқар эканмиз, унинг, давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан турли шартномаларга халқаро ҳуқуқий бошқарувнинг ҳам шартномавий, ҳам одатий хусусиятдаги нормаларини ўз ичига олувчи истисноларни баён этиш ва қабул қилиш тартиби, яъни истисноларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи шаклланган механизми мавжуд эканлигини эътироф этиш лозим.

1969, 1978 ва 1986 йилги Вена конвенциялари истисноларни баён этиш ва қабул қилиш масалаларини тартибга солади ҳамда истисноларни тартибга солишнинг умумий қоидаларини мустаҳкамлайди. Ушбу конвенцияларнинг истисноларга оид қоидаларининг жами «Вена режими» деб номланувчи истисноларнинг халқаро-ҳуқуқий режимини ҳосил қилади.

Диссертантнинг таъкидлашича, истисно – давлат шартноманинг мақсад ва принципларини маъқуллаган, айти пайтда унинг айрим қоидаларига қўшилмаган ҳолда шартномга қўшилиш имкониятидир. Бу эса шартноманинг асосий қоидалари, объектлари ва мақсадларини қабул қиладиган, аммо турли сабабларга кўра шартноманинг айрим қисмларини қабул қила олмайдиган давлатларга шартномада иштирок этиш имконини беради.

Шартноманинг айрим қоидаларига истиснолар киритиш амалиёти уни қўллашда мослашувчанлигини оширади ҳамда шартноманинг барча қоидалари бўйича ялпи келишувга эришиш қийин бўлган, истиснолар эса шартномада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумий хусусиятини ўзгартирмайдиган ҳолларда шартнома иштирокчиларининг сони кўпайишида кўмаклашади.

Диссертантнинг фикрича, истиснога миллий ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро таъсир этиш усулларидан бири сифатида қараш мумкин, бу эса икки тизимни «яраштириш» ҳамда миллий қонунчилик нормаларининг халқаро-ҳуқуқий нормаларга тўла мос бўлишига ўтишни енгиллаштиришда ёрдам беради.

Диссертант истиснонинг ифодаси тушунарлилик ва тўлиқлик мезонларига жавоб бериши ҳамда истиснони, хусусан унинг шартнома объекти ва мақсадларига қай даражида мослигини баҳолаш учун татбиқ этиш соҳасини аниқлаш имконини бериши лозимлигини таъкидлайди. Истиснода у шартноманинг қайси қоидаларига тааллуқли эгаллигини ва давлат истисно муаллифи бўлган давлатга нисбатан ушбу қоидалар кучини қай тарзда тўхтатиб туриш ниятида эканлиги мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

Давлатларнинг ҳозирги замон шартнома амалиётида шартномани имзолаш, ратификациялаш / тасдиқлаш ёки уларга қўшилиш чоғида давлатлар томонидан билдирилувчи турли истиснолар, декларациялар, баёнотлар қўлланилади.

Диссертант фарқли белгиларга эга бўлган, аммо истисно ҳисобланмайдиган бир томонлама баёнотларнинг қуйидаги турларини ажратади:

1) бутун шартноманинг ёки унинг алоҳида моддаларининг сиёсий баҳосини ўз ичига олувчи баёнотлар (умумсиёсий баёнотлар);

2) баёнот берувчи давлат томонидан шартномани амалга ошириш тартибини кўрсатувчи баёнот (ахборот баёнотлари);

3) бир томонлама мажбуриятлар олиш мақсадидаги ёки шартномага қўшимча элементлар киритишга қаратилган баёнотлар;

4) шарҳлашга оид баёнотлар (декларациялар).

Ҳар қандай шароитда ҳам бир томонлама баёнотлар шартноманинг мазмунига таъсир этмайди ва бошқа иштирокчиларга мажбурият юкламайди.

«Соҳавий халқаро шартномаларга истиснолар қўллашнинг ўзига хосликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалиёти» номли учинчи бобда истисноларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларга қўллашдаги ўзига хосликлар, давлатларнинг ядро қуролини тарқатмаслик бўйича халқаро шартномаларга истиснолар киритишининг ўзига хосликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалиёти, терроризм ва унинг кўринишларига қарши кураш бўйича халқаро шартномаларга истиснолар киритишнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши шартномаларда иштироки ҳар томонлама ўрганилган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга истисноларни амалга ошириш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий амалиёти таҳлил қилинган. Диссертациянинг учинчи бобидаги қоидалар асосида назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Бошқа кўп томонлама халқаро шартномалар билан қиёслаганда, айнан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияларга энг кўп истиснолар киритилган. Ушбу ҳолат ҳаққоний танқидларга сабаб бўлган, зеро шу тариқа инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг кадри ва самарадорлиги пасаяди.

Диссертантнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда давлатларнинг кенг миқёсдаги иштирокини таъминлаш муҳим, аммо бунда шартноманинг объекти ва мақсадларини қурбон қилиш асло ярамайди. Айни вақтда, сақланиб келаётган маданий релятивизм концепцияси

ва унинг инсон ҳуқуқларининг универсаллиги концепциясига қарама-қарши кўйилиши, айниқса «кўпол» релятивизмнинг мавжудлиги инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларга нисбатан кўплаб истисноларни юзага келтирмоқдаки, уларнинг катта қисми шартноманинг мақсад ва объектларига зиддир.

Ядро қуролини тарқатмасликни шартнома билан мустаҳкамлаш борасида давлатларнинг шартномаларга истисноларни киритмаслик бўйича сукут шаклидаги розилиги мавжуд бўлиб, ушбу соҳадаги деярли барча шартномаларда бунга қатъий риоя этилади. Жумладан, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномада истиснолар ҳақидаги қоида мавжуд эмас, Ядровий синовларни ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома эса истисноларни тўғридан-тўғри ман этади.

Бундай ҳолат бошқа шартномага оид соҳаларда, айниқса инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги шартномаларда истиснолар бўйича ягона нуқтаи назар йўқлигида яққол кўзга ташланади.

Кўпчилик давлатлар (жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам) БМТ Халқаро судининг мажбурий юрисдикцияси иштирокчиси бўлмагани ёки уни тан олмагани сабабли, Терроризмга қарши кураш бўйича аксарият халқаро шартномаларда низони арбитражга ёки БМТ Халқаро судига топшириш борасида истиснолар ҳақидаги қоидалар мавжуд. Бундан ташқари, 1988 йилги Конвенция (17-модда) ва 1963 йилги Протокол (25-модда), 1991 йилги Конвенция (XII модда)ларда низони арбитраж ёки Халқаро судга ҳавола қилиш истисносини мустасно қилганда, истиснолар ошқора ман этилади.

Ўтказилган объектив таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси томонидан истисноларни баён этишда бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлигини кўрсатди:

биринчидан, миллий истиснолар механизми ишлаб чиқилишига кучли эҳтиёж мавжуд бўлиб, унинг доирасида турли универсал ва соҳавий шартномаларга нисбатан истисноларни ифодалаш ва илгари суриш шартлари, тартиби ва бунинг учун масъул идоралар кўрсатилиши лозим;

иккинчидан, турли вазирлик ва идоралар ўртасида соҳавий шартномалар ва келишувларга нисбатан истисноларни ифодалаш ва илгари суришда ТИВнинг мувофиқлаштирувчилик ролини кучайтириш, соҳавий шартномаларда турли вазирлик ва идоралар иштирокини кузатиш бўйича ваколатларини амалга ошириш талаб этилмоқда;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга истисноларини қайд этиш тартиби ва ифодалаш қоидаларини белгиловчи норматив (жумладан, идоравий) ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак. Бундан ташқари, халқаро шартномаларга истисноларнинг миллий рўйхати (реестри)ни ишлаб чиқиш ва юритишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Буларнинг барчаси истиснолар жараёнининг тизимлилигини яхшилаши ва кучайтириши, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга истиснолар киритиши ва ифодалашига ягона мезон ва методологик ёндашувларнинг ишлаб чиқилишига олиб келиши мумкин.

ХУЛОСА

1. Халқаро шартнома халқаро муносабатларнинг асосий бошқарувчиси, давлатларнинг ташқи сиёсатдаги вазифасини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шунингдек, халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқ субъектлари консенсус (муроса) асосида халқаро муносабатларнинг у ёки бу масаласи бўйича ҳар доим ҳам мос келавермайдиган ёндашувларини келишиб олишларида ёрдам берувчи воситадир.

Шу билан бирга, халқаро шартномалар аҳамиятига кўра қанчалик универсал бўлмасин, уларнинг ҳақиқий таъсир кучи, охир-оқибатда, давлатларнинг уларга қўшилиш орқали амалда тан олишига ёки бажаришига боғлиқ.

2. Халқаро шартномалар ҳуқуқида истиснолар институти халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги ҳодисаси бўлиб, халқаро шартномалар ҳуқуқининг ривожланиши натижасида вужудга келди. Шунга кўра, халқаро шартномаларда истиснолар институтининг шаклланиши ва ривожланишини қуйидагича даврлаштириш таклиф этилади:

биринчи босқич (классик давр) – XVIII аср охиридан Биринчи жаҳон урушигача бўлган давр – яқдиллик (бирлик) қоидаси (тамойили);

иккинчи босқич (панамерика тизими /даври) – XX асрнинг 20–30-йиллари – панамерика қоидаси – халқаро шартномага истисноларни алоҳида қабул қилиш тартиби;

учинчи босқич (масалаҳат даври) – XX асрнинг 50-йиллари, 1951 йилда БМТ Халқаро судининг консультатив хулосаси қабул қилиниши – мослашувчан истиснолар тизими – ўзаро мослик мезонининг жорий этилиши;

тўртинчи босқич (Вена режими/даври) – XX асрнинг 60-йиллари – истиснолар институтининг кодификацияси ва жадал ривожланиши даври, 1969, 1978 ва 1986 йиллардаги Вена конвенцияларининг қабул қилиниши, либерал Вена режимининг амалга киритилиши;

бешинчи босқич (замонавий давр) – XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирги пайтгача бўлган давр, «Истиснолар соҳасида давлатлар ва халқаро ташкилотлар учун йўриқнома» ишлаб чиқилиши – истиснолар турларининг норматив жиҳатдан мустаҳкамланиши.

3. Истиснолар институтининг шаклланган халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш механизми мавжуд бўлиб, у давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг турли шартномаларга истисноларни баён этиш ва қабул қилиш тартиб-таомилларини белгилайдиган ҳам шартномавий, ҳам одатий нормаларни, яъни 1969, 1978 ва 1986 йилларда қабул қилинган Вена конвенцияларида кўрсатилган истисноларнинг ҳуқуқий асосларини қамраб олади.

Вена конвенциялари истисноларни баён этиш ва қабул қилиш масалаларини тартибга солади ҳамда истисноларни тартибга солишнинг умумий қоидаларини мустаҳкамлайди, «Истиснолар соҳасида давлатлар ва халқаро ташкилотлар учун йўриқнома» эса бевосита истиснолар ва уларга нисбатан эътирозларни ифодалаш тартибини белгилайди. Вена

конвенцияларининг истисноларга оид қоидалари «Вена режими» деган халқаро-ҳуқуқий истиснолар режимини юзага келтиради.

